


ЁШЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА ҲАРБИЙЛАР ҲАМ МАСЪУЛ БЎЛМОҚДА

Бугун жамиятимизда ёшларнинг ролини ошириш, замонавий билим ва касб-хунарни эгаллаши, катта ҳаётда ўзларининг муносаб ўрнини топиши учун мамлакатимизда қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ўсиб келаётган ёш авлод эгаларини ватанпаварлик руҳида тариялаш, ҳаётда нотўғри қадам қўйиб, ўз қилмишидан пушаймон бўлганларни тўғри йўлдан юришган тарғиб этиш мақсадида Нукус гарнizonидаги ҳарбий қисмлардан бирининг ўқув-моддий базаси негизида Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, Мудофаа вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий бўлими билан ҳамкорликда шаҳар умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳамда профилактик ҳисобда турувчи ёшлар иштирокида “Ҳарбий қисмдан олган таассуротларим” мавзусида тадбирлар бўлиб ўтди.



“Эр йигитни – эр йигит тарбиялайди” шиори остида ўтказилган тадбир дастлаб ҳарбий қисм кутубхонасида давра суҳбати билан бошланди. Унда мутасадди ташкилотлар вакиллари бугун мамлакатимиз ёшлари учун берилаётган кенг кўламли имтиёзлар, ҳарбийлик касбининг нуфузи, таълим-тарбия олган инсоннинг келажаги буюк эканлиги ҳақида маъruzza қилишди. Давра суҳбати ёшларни қизиқтириб келган кўплаб саволлари билан давом этди.




Image not found or type unknown

Учрашув давомид ўқ отиш тайёргарлигининг компьютерлаштирилган машғулот хонасида мерганилик бўйича мусобақа ташкил этилди. Электрон таблода нишон марказига ўқ узаётган йигитларнинг қувончи чексиз бўлди.





Image not found or type unknown

Ташкил этилган навбатдаги ўқув нуқтасида ёшлар учун кичик дала ўқув майдонида аскарлар томонидан амалий машғулотлар намойиш этилди. Ҳарбий соҳага қизиқиши ортиб борган ёшлар ҳақиқий ўқотар қуролларни диққат билан ўрганишга киришди.



Навбатдаги ўқув жойи ёшлар учун кутилмаган бўлди. Унда чавандозлик тайёргарлиги билан шуғулланаётган муддатли ҳарбий хизматчилар ёшлар учун маҳорат дарсини ташкил этиб, жанговар ҳаракатларда отлардан фойдаланишни ўргатишиди.




Image not found or type unknown

Учрашув якунида машғулот ва мусобақада фаол иштирок этган ёшлар

ташкilotчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати